

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НИШОНОВ НЕЪМАТИЛЛА АСАТИЛЛАЕВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ЎЗАРО ТАЪСИР КОЭФФИЦИЕНТЛИ
ЕР ОСТИ ПОЛИМЕР ҚУВУРЛАРИНИНГ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Нишонов Неъматилла Асатиллаевич

Ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер
кувурларининг сейсмодинамикаси.....3

Нишонов Неъматилла Асатиллаевич

Сейсмодинамика подземных полимерных трубопроводов
с переменными коэффициентами взаимодействия.....21

Nishonov Nematilla Asatillayevich

Seismic Behavior of Underground Polymer Piping
with Variable Interaction Coefficients39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ ЛОЙИХАЛАШ, ҚУРИШ ВА
ЭКСПЛУАТАЦИЯСИ ИНСТИТУТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ
ТУРИН ПОЛИТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.Т.09.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ

НИШОНОВ НЕЪМАТИЛЛА АСАТИЛЛАЕВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ЎЗАРО ТАЪСИР КОЭФФИЦИЕНТЛИ
ЕР ОСТИ ПОЛИМЕР ҚУВУРЛАРИНИНГ СЕЙСМОДИНАМИКАСИ**

**05.09.02 – Асослар, пойдеворлар ва ер ости иншоотлари.
Кўприклар ва транспорт тоннеллари. Йўллар, метрополитенлар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.2.PhD/Т.157 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-қурилиш институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.tayi.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рашидов Турсунбай

техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Каюмов Абдубаки Джалилович

техника фанлари доктори, профессор

Тешабаев Зоҳиджон Раҳматович

техника фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

Диссертация ҳимояси Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти ва Тошкент шаҳридаги Турин политехника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.09.01 рақамли илмий кенгашнинг 2017 йил «___» _____ соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел./факс: (99871) 232-14-79, e-mail: tadi_info@edu.uz).

Диссертация билан Тошкент автомобиль йўлларини лойиҳалаш, қуриш ва эксплуатацияси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100060, Тошкент ш., А.Темур шоҳ кўчаси, 20 уй. Тел.: (99871) 232-14-79.

Диссертация автореферати 2017 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2017 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.А. Рискулов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, т.ф.д., доцент

А.М. Бабоев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.н

А.А. Ишанходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда қувурлар орқали маҳсулот етказиб бериш самарали усуллардан ҳисобланиб, ишлаб чиқариш инфраструктурасининг ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга. Ҳозирги вақтда газ, сув таъминоти, канализация, нефт маҳсулотларини етказиб беришда ва агрессив грунтларда полимер қувурларидан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Шу жиҳатдан полимер қувурларнинг агрессив муҳитларда коррозия таъсирига чидамлилиги, узоқ муддат фойдаланилиши, вазнининг енгиллиги, қурилиш суратини ва ўтказиш имкониятини юқорилиги, жумладан табиий шароитга ва зилзилага турғунлиги сабабли улардан кенг қўламда фойдаланилмоқда. Хорижий давлатларда ер ости полимер қувурларидан амалиётда фойдаланиш ва уларнинг кучли зилзилалардаги ҳолати бўйича етарлича тажриба орттирилган, шунинг учун уларнинг сейсмик хавфсизлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда ер ости қувурларини сейсмик мустаҳкамлигини оширишга, сейсмик кучларнинг таъсирини ва улар таъсирида юз бериши мумкин бўлган шикастланишларни камайтиришга катта аҳамият берилмоқда. Бу борада, жумладан қувур тизимларига зилзила ва портлашлар таъсирини дифференциал баҳолаш мезонлари ҳамда сейсмик таъсирлардаги ер ости полимер қувурларининг шикастланиш даражасини прогнозлаш ва таснифлаш, грунтнинг турли намланиш даражасида “иншоот-грунт” тизимидаги ўзаро таъсир кучини аниқлаш, турли кўринишдаги сейсмик таъсирларда ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ва ихтиёрий йўналишдаги сейсмик юкланишлар таъсиридаги ер ости полимер қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услубларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда мақсадли илмий изланишларни амалга ошириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Республикамиз мустақилликка эришгач қурилаётган ер ости иншоотларининг зилзилабардошлигини ошириш ҳамда сейсмик хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада, жумладан ер ости иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлигини оширишга ва юз бериши мумкин бўлган шикастланишлар даражасини пасайтиришга эришилди. Шу билан бир қаторда сейсмик ҳудудларда ер ости қувурларини бир жинсли бўлмаган грунт шароитларида қурилиши, уларнинг мустаҳкамлигини ошириш учун бўлиши мумкин бўлган сейсмик таъсирларга ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш талаб этилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «... аҳолининг коммунал-маиший хизматлар билан таъминланиш даражасини ошириш, энг аввало, янги ичимлик суви тармоқларини қуриш, ... қишлоқ жойларда тоза ичимлик суви билан таъминлашни тубдан яхшилаш, ...»¹ вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифани амалга ошириш, жумладан қувур тизимларига зилзила таъсирини дифференциал баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, грунтнинг

¹ 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

намланганлигини ҳисобга олувчи қувур ўқи бўйлаб ўзгарувчан ўзаро таъсирини аниқлаш, ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларининг кучланганлик деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш масалалари муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги», 2017 йил 1 июндаги ПФ-5066-сон «Фавқулотда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш тизими самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3190-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудуди ҳамда аҳолининг сейсмик ҳавфсизлиги, қурилиш зилзилабардошлиги ва сейсмология соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисидаги» Қарори ва Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 3 апрелдаги 71-сон «Фавқулотда ҳолатларини прогноз қилиш ва олдини олиш бўйича Давлат дастури»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика, иншоотлар сейсמודинамикаси ва информатика» ва XIV. «Сейсмология, бинолар ва иншоотлар сейсмик ҳавфсизлиги ва қурилиш» устувор йўналишлари доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлиги муаммолари бўйича бир қатор олимлар илмий тадқиқотлар олиб боришган, академик Т.Рашидов грунт ва иншоот деформацияси фарқини ҳисобга олиб мураккаб тизимли ер ости иншоотларининг динамик назариясини ишлаб чиқди. Бу усул «қувур-грунт» тизимида нисбий кўчишни мавжудлигини инобатга олиб ҳисоблашлар ўтказиш ҳамда ер ости иншоотларининг зилзилабардошлигида муҳим омилларни ҳисобга олиш имкониятини яратди. Юртимизда Т.Рашидов ва шогирдлари Я.Н. Мубораков, Г.Х. Хожметов, А.А. Ишанходжаев, А. Юсупов, А. Каюмов, С.Ф. Проскурина, Х.С. Сагдиев, С. Мухамедова, В.А.Омеляненко, З.Р. Тешабаев, А.Х. Маткаримов, У. Рахмонов, Е.В. Ан, Д.А. Бекмирзаев, шунингдек Ш. Маматкулов, Б. Мардонов, К.С. Султанов, Т. Мавлонов, Б.Э. Хусанов Ш.М. Сибукаев, Т.Т. Сабилов ва бошқалар қувурнинг атрофидаги грунт муҳити билан ўзаро таъсирини ва ўзаро таъсирнинг тўлқин характериға боғлиқлигини ҳисобга олиб ер ости қувурлари ва иншоотларининг зилзилабардошлиги бўйича назарий ва тажриба тадқиқотлари олиб боришган.

Грунт билан ўзаро таъсирдаги ер ости иншоотлари ва қувурларининг сейсмик мустаҳкамлиги соҳасида жаҳондаги йирик тадқиқотчилар, жумладан T.D. O'rourke, M.J. O'rourke, Sh. Okamoto L.R. Wang, M. Kitaura, M. Miyajima, T. Iwamoto ва T. Yamaji, Meng Hai, S. Takashi, T. Tanaka, Д.Д. Баркан, В.А. Ильичев, Я.М. Айзенберг, А.С. Гехман, А.Г. Назаров, А.Б.Айбиндер, Ш.Г. Напетваридзе, П.П. Бородавкин, Н.Н. Булычев, А.А. Александров,

Н.С. Фотиева, М.Ш. Исраилов, А.Г. Касимов, Э.Н. Фигаров, Р.А. Гумеров ва бошқалар илмий тадқиқот ишлари асосида ижобий натижаларга эришганлар.

Шаҳар худудларининг интенсив ривожланиши ҳамда атроф муҳитнинг ифлосланишини камайтиришга бўлган эътибор сейсмик актив худудларда ер ости иншоотларининг қурилиш қўламини ортишига олиб келмоқда, шунинг учун табиий грунт шароитлари бўйича илмий тадқиқот ишларига талаб ошиб бормоқда. Ер ости иншоотларини турли хил грунт шароитларида қурилиши, жумладан сувга тўйинган ва қуйқаланиш ҳолатида грунт хоссасининг ўзгариши ва структураси бузилганлигини ҳисобга олиб иншоотларнинг КДХни ҳисоблаш муаммолари ҳозирги вақтгача етарли даражада ўрганилмаган. Шунинг учун бундай шароитларда ер ости иншоотларини сейсмик кучлар таъсиридаги кучланганлик ҳолатини ўрганиш тадқиқотлари муҳим масалалардан ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Механика ва иншоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-5-060 «Ер ости ҳаётни таъминловчи тизимларига сейсмик таъсирларни дифференциал баҳолаш, йўқотишларни камайтириш ва уларни зилзилабардошлигини таъминлаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш» (2006-2008); Ф-1.2.2 «Намланганлик даражаси, ер ости иншоотини атрофидаги грунт структурасини бузилганлигини ва хоссаларини ўзгариши таъсирини ҳисобга олиб сейсмодинамика назариясини ривожлантириш» (2003-2007); ФА-Ф8-Ф086 «Деформацияланувчи қаттиқ жисм-грунт» тизимида ёпишқоқлик, намлик ва грунт структурасини бир жинсли эмаслигини ҳисобга олувчи ўзаро таъсир муаммолари тадқиқотлари (сейсмик юкламаларда)» (2007-2011); Ф4-ФА-Ф047 «Структураси бузилган грунтларда жойлашган мураккаб шаклдаги ер ости қувур тизимлари сейсмодинамикаси» (2012-2016); ФА-А14-Ф019 «Жаҳон миқёсидаги кучли зилзилалар оқибатларини муҳандислик таҳлили ва янги тадқиқотлар асосида зилзилабардош ер ости муҳандислик иншоотларини ҳисоблаш ва лойиҳалаш усуллари янгилаш учун таклифлар ишлаб чиқиш» (2015-2017) мавзулардаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади структураси бир жинсли бўлмаган грунтларда жойлашган ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларини сейсмик кучлар таъсиридаги кучланганлик ҳолатини баҳолаш услубини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

қувур тизимларига зилзила ва портлашлар таъсирини дифференциал баҳолаш мезонларини, сейсмик таъсирлардаги ер ости полимер қувурларининг шикастланиш даражасини прогнозлаш ва таснифлаш услубини ишлаб чиқиш;

грунтнинг намланганлигини ҳисобга олувчи қувур ўқи бўйлаб ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентини аниқлаш;

ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш;

ихтиёрий йўналишдаги сейсмик юкланишлар таъсиридаги ер ости полимер қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш услубини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида сейсмик актив ҳудудлардаги ер ости полимер қувурлари (сув, газ таъминоти, канализация, нефт қувурлари) тизими олинган.

Тадқиқотнинг предмети «қувур-грунт» тизимида узунлиги бўйича ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларининг сейсмик юкланишлардаги хавфсизлигини баҳолаш жараёнларини ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида деформацияланувчан қаттиқ жисмлар, грунтлар ва қурилиш механикаси усуллари, математик моделлаштириш, динамик параметрларини сонли ҳисоблаш учун чекли айирмалар усули, ҳисоблаш эксперименти усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

қувур тизимларига зилзила ва портлашлар таъсирини дифференциал баҳолаш мезонлари, сейсмик таъсирлардаги ер ости полимер қувурларининг шикастланиш даражаси прогнозлаш ва таснифлаш услублари ишлаб чиқилди;

грунтнинг намланганлигини ҳисобга олувчи қувур ўқи бўйлаб ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициенти аниқланди;

ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилди;

ихтиёрий йўналишдаги сейсмик юкланишлар таъсиридаги ер ости полимер қувурларининг кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

сейсмик кучлар таъсиридаги ер ости полимер қувурларининг шикастланиш даражаси прогнозлаш ва таснифлаш услуби такомиллаштирилган;

бир жинсли бўлмаган ва намланган грунт шароитларида ётқизилган ер ости полимер қувурларини кучланганлик-деформацияланганлик ҳолатини сонли ҳисоблаш математик модели ва ҳисоблаш компьютер дастури ишлаб чиқилган;

сейсмик ҳудудларда грунтнинг бир жинсли эмаслигини ҳисобга олиб ер ости полимер қувурларига сейсмик таъсирларни камайтириш бўйича ечимлар ишлаб чиқилган;

ер ости полимер қувурларини сейсмик ҳудудларда қўлланилиши бўйича ишлаб чиқилган услублар, лойиҳалаш ва қурилиш жараёнида (Ҳамроҳ қўчасидаги сув тармоғи объекти, Наманган вилояти, Тошкент шаҳридаги “Сувсоз” ДУК) фойдаланилиб, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини 10-20%

оралиғида ҳамда полимер қувурининг коррозияга чидамлилиги ҳисобига хизмат муддатини 2 марта ошириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги қурилиш механикасида умум қабул қилинган фаразлари билан мувофиқлиги, шунингдек бошқа тадқиқотчиларнинг табиий ва лаборатория шароитидаги тажриба натижаларига, ҳамда зилзила оқибатлари асосида олинган реал маълумотларга мутаносиблиги ва амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти қувурларнинг уни ўраб турган грунт муҳити билан ўзаро таъсирини аниқлаш бўйича ўтказилган тажриба тадқиқотлари асосида ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли полимер қувурлари сейсмодинамикаси жараёнларини математик модели ва уларни сонли ҳисоблаш услублари ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Олинган натижаларининг амалий аҳамияти ер ости полимер қувурлари сейсмодинамикасини ҳисоблашни такомиллаштириш билан боғлиқ олинган натижалар бир жинсли бўлмаган ва намланган грунт шароитларида ётқизилган ер ости қувурларини лойиҳалаш ва қуриш бўйича меъёрий ҳужжатларга қўшимчалар сифатида тавсия қилинади. Бу натижалар ер ости қувурларини лойиҳалаш ва қуриш жараёнларини тезлашишига, бажарилган иш сифатини ортишига, мукамал ва турғун ишлашига эришилади ҳамда сейсмик хавфсизликни сезиларли даражада оширишга, бўлиши мумкин бўлган зилзилалардаги молиявий ҳаражатлар ва йўқотишларни камайтиришга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ер ости полимер қувурларини сейсмик кучлар таъсиридаги кучланганлик ҳолатини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ер ости қувурларининг сейсмик мустаҳкамлигини таъминлаш ва мавжуд ер ости иншоотларини зарарланиш даражасини камайтириш бўйича ишлаб чиқилган услублар Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги фаолиятида ер ости иншоотларини зилзила оқибатида зарарланиш даражасини баҳолашга жорий этилган (Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг 2017 йил 18 октябрдаги 2/4/15-2332-сон маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши кучли зилзилалар оқибатини ва зарарланишларни камайтириш, жумладан инсонлар ҳаёти хавфсизлигини ошириш, техник ресурсларни оқилона ва тўғри тақсимлаш имконини беради;

сейсмик ҳудудларда намланган грунтларда жойлашган ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли ер ости полимер қувурларини ҳисоблаш услуги «Сувсоз» давлат унитар корхонаси лойиҳалаш ва қурилиш жараёнига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг 2017 йил 6 ноябрдаги 12184/10–05- сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қурилиш объектига қўлланилиши орқали ресурс тежамкорликка, иш сифати ва меҳнат унумдорлигини 20% га ортишига ва ер ости қувурининг хизмат муддатини 2 марта ошириш имконини берган;

структураси ўзгарувчан ва намланган грунтларда жойлашган ер ости полимер қувурларида ҳосил бўладиган кучланишларни аниқлаш услуги ва сейсмик ҳудудларда грунтнинг бир жинсли эмаслигини ҳисобга олиб ер ости полимер қувурларига сейсмик таъсирларни камайтириш бўйича ишлаб чиқилган методик тавсиялар «KELAJAK-S» корхонаси лойиҳалаш ва қурилиш ишлари учун жорий қилинган («KELAJAK-S» нинг 2017 йил 2 июлдаги амалиётга жорий этиш далолатномаси). Илмий натижанинг қурилиш объектида қўлланилиши полимер қувурларидан фойдаланиш эвазига 20-25% иқтисодий самарадорликка эришилган ва сейсмик хавфсизликни таъминлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 8 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 8 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИСЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ер ости қувурларини зилзилалардаги ҳолатлари ҳақидаги маълумотлар ва иншоотлар сейсמודинамикаси назариясининг ривожланиши**» деб номланган биринчи бобида ер ости қувурлари сейсמודинамикасининг замонавий ҳолати ўрганилган, кучли зилзилаларда қувурларнинг реакцияси ва грунтнинг ҳаракат кўрсаткичлари келтирилган, ҳамда зарарланиш даражаси ўрганилган. Дунё шаҳарларида бўлиб ўтган зилзилалар оқибатида ер ости қувурларининг бузилишларини текшириш натижалари келтирилди ва таҳлил қилинди. Ер ости қувурларининг сейсмик таъсирлардаги шикастланишлари таснифланди ва шикастланиш даражаси прогноз қилинди, ҳамда анъанавий қўлланилаётган ва полимер қувурларининг зилзилалардаги зарарланишлари солиштириб баҳоланган ва таҳлил қилинган.

Зилзилалар оқибатларининг таҳлили асосида ер ости қувурларининг зарарланишлари тавсифланди, шикастланишлар даражасини прогнозлаш ва сейсмик таъсирлардаги бузилишларнинг солиштира таҳлили келтирилди.

Сейсмик таъсирларда ер ости қувурларининг шикастланишига таъсир қилувчи асосий омил ва бузилишлар характеристикалари таҳлил қилинди.

Зилзилаларда қувурларни шикастланиши ҳақидаги маълумотлар, зилзила интенсивлиги кичик бўлган бўш грунтларда жойлашган қувурлардаги бузилишларга қараганда, мустаҳкам асосда жойлашган юқори интенсивликдаги зилзила таъсиридаги бузилишларга нисбатан кам бўлишини кўрсатмоқда. Зилзилалар натижасида қувурларнинг зарарланишига грунт шароити катта таъсир кўрсатади. Қувур атрофидаги грунтнинг турли хил характеристикалари турли бузилишларни келтириб чиқаради (1-расм), ҳамда актив ер ёриғи, грунтнинг қуйқаланиши ва кўчишларни юзага келтиради.



1-расм. Турли грунт шароитларида қўмилган қувурларнинг зарарланиши

Ер ости қувурларининг солиштирма бузилишлари ва сейсмик таъсирлар орасидаги боғлиқликнинг ўрнатилиши ҳудуднинг сейсмик районлаштириш маълумотлари билан мос келади ва қувурлар характеристикаларини белгилаб, бўлиши мумкин бўлган ҳолатларни ўз вақтида прогнозлаш имконини беради ҳамда бўлиши мумкин бўлган хавф даражаси баҳоланади ва сейсмик хавфни бошқариш режалари ишлаб чиқилади.

Юқори эластиклигининг ҳисобига, полиэтилен қувурларнинг ишончлилиқ даражасини юқорилиги Кобе ва Крайстчерч шаҳарларида бўлиб ўтган зилзилалардаги газ ва сув таъминотидаги бузилишларнинг таҳлилини яққол мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Юқори мустаҳкамликни характерловчи полиэтилен газ ва сув таъминоти қувурлари герметиклиги бузилмасдан грунтнинг катта силжишига бардош берган, асосан бошқа материалли қувурлар кўп зарарланган.

Кобе шаҳридаги зилзила вақтида паст босимли газ қувурларининг бузилишлари статистикаси маълумотлари, полиэтилен қувурлари зилзилада ўз иш қобилиятини сақловчи ягона қувур эканлигини кўрсатди. Кобе зилзиласидан сўнг Япония бўйича газ ва сув таъминотида асосан полиэтилен қувурлар қўлланилиши қонун билан белгилаб қўйилди.


Охириги йиллардаги кучли зилзилалар оқибатларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ер ости қувурлари асосан қуйқаланадиган бўш грунтларда зарарланади. Крайстчерч шаҳридаги сув таъминотидаги бузилишларнинг 80% қуйқаланадиган грунтларда жойлашган. Шундай грунт шароитларида ҳам поливинилхлорид (ПВХ) ва полиэтилен (ПЭ) қувурларидаги бузилишлар бошқа қувурлардаги бузилишларга нисбатан бир неча марта кам.

Бузилишларнинг кўриниши грунт шароитига, қувур материалига, конструктив хусусиятига ва бошқа омилларга боғлиқ. Энг кўп

«Ер ости қувурларини атрофидаги грунтнинг намланганлигини ҳисобга олган ҳолда ўзаро таъсир параметрларини аниқлаш» деб номланган иккинчи бобида полимер қувурларнинг атрофидаги грунт билан ўзаро таъсири бўйича экспериментал ва назарий-экспериментал тадқиқотлар ўтказилди. Ер ости қувурларини атрофидаги грунт билан ўзаро таъсир кўрсаткичларини аниқлаш бўйича юртимизда ва хорижда ўтказилган тадқиқотлар таҳлили келтирилган. Полимер қувурларни атрофидаги грунт билан бўйлама ўзаро таъсирини аниқлаш бўйича тажрибавий тадқиқотлар ўтказиш методикаси келтирилган ва намланган грунтнинг ўзаро таъсир коэффициенти тажрибавий аниқланган. Ер ости қувурларининг ўзаро таъсирини назарий-экспериментал аниқлаш услуби кўрилган.

The diagram illustrates a mechanical drive system for a roller conveyor. On the left, a motor (1) is connected to a gear (2). This gear (2) is part of a shaft (3) that also carries a gear (4) and a roller (5). The roller (5) is part of a conveyor system. The entire assembly is supported by a base with vertical supports.

Қувурларни грунт билан ўзаро таъсирини тажрибавий тадқиқ қилиш учун 1,75x1x1 м ўлчамдаги курилма тайёрланди (2-расм), тажрибалар ўтказиш учун Т.Рашидов ва Г.Хожметов методикасидан фойдаланилди.



4-расм. Металл қувурдаги ўзаро таъсир k_x коэффициентини юклама

Қувурларнинг грунт билан бўйлама ўзаро таъсир коэффициентини аниқлашда тажрибалар ўтказиш учун узунлиги $l=2$ м, диаметри 0.09 м бўлган металл ва полимер қувурлар, ҳамда қум ва тупроқ грунти танланди. Тажрибалар ўтказишда грунтнинг қўмилиш чуқурлиги 0.3 м дан 1.2 м гача ораликда, грунтнинг намлиги 8 – 32 % оралиғида ўзгартирилди.

Тажрибалар натижаси бўйича ўзаро таъсир коэффициентининг намликка боғлиқлиги аниқланди (3-расм). Берилган графиклардан кўринадики, қувурнинг кўрилатган кўмилиш чуқурлигида грунт намлигини ўзгариши билан k_x коэффициенти максимал қийматига 26% намликда эришади ва сўнг камайиб боради.

Қувурнинг грунт билан ўзаро таъсирининг юкланиш тезлигига боғлиқлигини тадқиқ этиш учун бир қатор тажрибалар ўтказилди. Бунинг учун қувурга бўйлама юкламалар тўртта режимда 250, 320, 530, 600Н таъсир эттирилди ва ҳар 10 с да ошириб борилди. Юкламанинг тезлиги ортиши билан бўйлама ўзаро таъсир коэффициенти k_x камаяди (4-расм).

«Намланган грунтларда жойлашган ер ости қувурларини сейсмик таъсирлардаги кучланганлик деформацияланганлик ҳолати тадқиқотлари» деб номланган диссертациянинг учинчи бобида қувурнинг ўқи бўйича грунтнинг намланганлигини ҳисобга олиш услуби ва ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентини куриш методикаси келтирилган. Грунт билан ўзаро таъсир коэффициенти ўзгарувчан бўлган полимер қувурларнинг бўйлама тебраниши масаласини сонли усулда ечишнинг комплекс дастури ва методикаси ишлаб чиқилган. Грунт билан ўзаро таъсир коэффициенти ўзгарувчан бўлган ер ости полимер қувурларини дифференциал тенгламасини ҳисоблаш натижалари келтирилган.

Маълумки, қувур жойлашган грунт муҳитининг намланганлиги унинг кучланганлик деформацияланганлик ҳолатига (КХД) муҳим таъсир кўрсатади. Грунтнинг сувга тўйинганлиги (намланганлигини) ҳисобга олиш умумий ҳолдаги масалани қўйилишида намлик w учун (x, y, z, t) боғлиқлиги муносабатларини инобатга олиш керак, ҳамда иншоот ва намликни турли геометрик жойлашишлари учун мос тенгламаларни кўриб чиқиш лозим. Иншоот ва намлик манбаини турли ҳоллари учун амалий масалаларни ечишда масалани соддалаштириш керак.

Олинган натижаларга мувофиқ k_x ни w намликка боғлиқлигини аппроксимациясини келтирамиз. Шу мақсадда 3-расмдаги (1) ва (2) эгри чизикларни уч ҳадли квадратлар кўринишида аппроксимациялаймиз:

$$k_x^{(1)}(w) = a_0^{(1)}w^2 + b_0^{(1)}w + c_0^{(1)} \text{ ва } k_x^{(2)}(w) = a_0^{(2)}w^2 + b_0^{(2)}w + c_0^{(2)} \quad (1)$$

Бу аппроксимацияни келгусида тўғри чизикли чекли қисмдаги ер ости қувурининг атрофидаги грунт намлигини ҳисобга олган ҳолда бўйлама тебранишини ўрганиш тадқиқотларида фойдаланилади.

Тажрибадан олинган эгри чизиклар (3-расм) асосида ер ости полимер қувурларининг грунт билан ўзгарувчан ўзаро таъсири $k_x(x)$ ни w намлик тарқалишига боғлиқлигини 4 хил варианты келтирилди, ишлаб чиқилган методика асосида (1) формуланинг кўпхадлари тажриба натижаларига мувофиқ танланади:

а) намлик манбаи тўғри чизикли қувурнинг ўртасида жойлашган ва унинг тарқалиши x ўқиға нисбатан симметрик;

б) намлик манбаи чекли тўғри чизикли қувурнинг бошланишида жойлашган ва намликни тарқалиши x ўқи бўйича камайиб боради;

в) намлик манбаи чекли тўғри чизикли қувурнинг охирида жойлашган ва намликни тарқалиши x ўқи бўйича ошиб боради;

г) x ўқи бўйича намлик қувурнинг ўртасида 15 дан 30%га кескин ўзгаради;

Ер ости полимер қувурларининг тебраниш жараёни ечимларида қўллаш мақсадида, юқорида келтирилган барча ҳолатлар учун ер ости қувурининг грунт билан турли хил ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентларининг аналитик формулалари олинди.

Кельвин-Фойгт моделини қўллаган ҳолда ўзгарувчан ўзаро таъсир коэффициентли тўғри чизикли ер ости қувурининг чекли қисмини бўйлама тебранишини кўриб чиқамиз. Бу ҳолда кучланиш ва деформация орасидаги боғлиқлик қуйидагича бўлади

$$\sigma = E\varepsilon + \eta \frac{\partial \varepsilon}{\partial t} \quad (2)$$

(2) тенгликни ҳисобга олиб, ер ости полимер қувурининг бўйлама тебранишини умумий дифференциал тенгламаси кўринишда қуйидагича бўлади

$$\frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial \bar{t}^2} = \frac{\partial^2 \bar{u}}{\partial \bar{x}^2} + \varphi \frac{\partial^3 \bar{u}}{\partial \bar{x}^2 \partial \bar{t}} - D k_x(x)(\bar{u} - \bar{u}_0), \quad (3)$$

бу ерда $D = \frac{2Rl^2}{E(R^2 - r^2)}$; $\varphi = \frac{\eta}{Et_0}$.

Бу (3) тенгламани ечиш учун иккинчи тартибли аниқликдаги чекли айирмалар усулидан фойдаланилди. Ўзгарувчан коэффициентли ер ости полимер қувурларини ҳисоблаш алгоритми ва дастури ишлаб чиқилди. Мисол сифатида иккита чегаравий шартни кўриб чиқамиз:

Қувурнинг чап чегарасига қотириб ва эластик маҳкамланган, ўнг чегарасидаги шартни эса эркин деб қабул қиламиз:

$$\left. \begin{aligned} u(0, t) &= 0 \\ \frac{\partial u}{\partial x} \Big|_{x=l} &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (4); \quad \left. \begin{aligned} \frac{\partial u}{\partial x} \Big|_{x=0} &= k_N(u - u_0) \\ \frac{\partial u}{\partial x} \Big|_{x=l} &= 0 \end{aligned} \right\} \quad (5).$$

Бошланғич шарт қуйидаги кўринишда олинган

$$u|_{t=0} = u_0; \quad \dot{u}|_{t=0} = \dot{u}_0. \quad (6)$$


(6) бошланғич шартни ҳисобга олган ҳолда τ ($\tilde{t} = \tau \cdot j$, $0 \leq j \leq M$) вақтнинг ҳар бир қадамида тўғри ва тесқари ҳайдаш усулини қўллаган ҳолда ер ости полимер қувурининг ҚДХ ни аниқлаш масаласи ечилди.

Кўчишлар аниқлангандан сўнг, полимер қувурнинг бўйлама кучланиши (2) ифодадан аниқланади. Кучланиш σ қийматларини аниқлаш учун берилган чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда чекли айирмалар усули қўлланилади.

Ер ости полимер қувурини ҳисоблашда “қувур-грунт” тизимининг қуйидаги механик ва геометрик параметрларидан фойдаланилди: $E=5 \cdot 10^8$ Па, $\eta=7.7 \cdot 10^5$ Па с, $\rho=940$ кг/м³, $R=0.11$ м, $r=0.1037$ м, $l=20$ м, $T=0.3$, $a_0=5.2 \cdot 10^{-3}$ м, $k_N=8 \cdot 10^4$ кН/м. Сейсмик юкламаларда грунтнинг кўчишини гармоник функция кўринишида қабул қилинган $u_0(x, t)=a_0 \sin \omega t$. Олинган сонли натижалар графиклар кўринишида келтирилди ва таҳлил қилинди.

Чегаравий шарт қувурнинг тебранишига катта таъсир кўрсатади. Чап тарафи эластик маҳкамланган ва ўнг тарафи эркин бўлган ҳолга нисбатан


(7,б-расм), чап тарафи қотириб маҳкамланган ва ўнг тарафи эркин бўлган чегаравий ҳолда қувурдаги максимал кучланиш 7-10 марта катта (7,а-расм). Бу натижа зилзила оқибатлари бўйича қувурлардаги кучланишларни баҳолаш натижаларига мос келади, яъни юқори кучланишлар қувурнинг массив иншоотлар билан уланган жойларида (қудук, резервуар ва бошқ.) кузатилган.



7-расм. Турли чегаравий шартларда қувурнинг ўқи бўйлаб кучланишнинг берилган вақтдаги ўзгариши: 1 – тупроқ; 2 – қум

Иккинчи чегаравий шартни кўрилганда бўйлама кучланишни ўзгариши намликни тарқалишига боғлиқлиги кўринади (7,б-расм), бу ерда сиқилиш ва чўзилиш кучланишлари юзага келади. Қувурнинг узунлиги бўйича намлик тарқалишининг камайиши кўчишнинг камайишига олиб келмоқда. Умумий ҳолда кўрилатган намликнинг ўзгариш оралиғида, кучланиш σ максимал қийматига 20-25% намликда эришади.

Намликнинг поғонали кескин ўзгариш ҳолатида, кўчишнинг қиймати нисбатан тез ўзгаради (8а-расм). Кучланиш намликни поғонали ўзгарган жойида максимал қийматига эришади (8б-расм).



8-расм. Қувур ўқи бўйлаб кўчишлар (а) ва кучланишларнинг (б) берилган вақтлардаги ўзгариши: 1 – қум, 2 – тупроқ

Грунтдаги намликнинг манбаи ва унинг қувур ўқи бўйлаб тарқалиши қувурнинг КДХга муҳим таъсир кўрсатади. Асосан бу қувурнинг чегаралари эластик маҳкамланганда яхши кўзга кўринади. Грунтнинг физик-механик характеристикаларини кескин ўзгариши ер ости қувурини мустаҳкамлиги ва турғунлигини ўзгаришига олиб келадиган кучланишлар қийматини ошишига олиб келади.

«Полимер материалли қовушқоқ эластик ер ости қувурлар сейсמודинамикаси тадқиқотлари» деб номланган диссертациянинг тўртинчи бобида ихтиёрий йўналишдаги сейсмик юкламалар таъсирида ер ости полимер қувурлари сейсמודинамикаси масаласи қўйилган ва математик модели қурилган. Дифференциал тенгламалар системаси чегаравий ва бошланғич шартлари билан келтирилган. Ер ости полимер қувурлари сейсמודинамикасининг бир қатор масалалари ечилди ва олинган натижалари

таҳлил қилинди. Ер ости полимер қувурлари сейсמודинамикаси масалаларини ечиш усули ва компьютер реализацияси ишлаб чиқилди. Сейсмик юкламалар таъсиридаги полимер қувурларининг КДХ тадқиқ этилди.

Замонавий қурилишда қўлланилаётган полимер материалли ер ости қувурлари катта деформацияларга эга бўлган хоссаларни намоён қилмоқда. Уларнинг механик характеристикаларини аниқлаш учун полимер материалнинг механик ҳолати бўйича объектив қонуниятларга асосланган моҳиятини ва физик маъносини акс эттирувчи математик моделини қуриш лозим. Больцман-Волтернинг камсингуляр наслий ядроли наслий назарияси бўйича эластик қовушқоқ жисм учун кучланиш ва деформация орасидаги боғлиқликнинг интеграл модели кўрилган. Абел типдаги Больцман-Волтернинг камсингуляр наслий ядроси тажрибалар билан яхши мос келади ва деформациянинг ползучести ва кучланишнинг релаксацияси билан боғлиқ вақт омилини тўғри ҳисобга олади.

Ер ости полимер қувурининг кучланиш ва деформацияси орасидаги боғлиқлиги қуйидаги кўринишда оламит

$$\sigma = E \left[\varepsilon(t) - \int_0^t \Gamma(t-\tau) \varepsilon(\tau) d\tau \right]. \quad (7)$$

(7) формулани ҳисобга олиб полимер қувурнинг бўйлама тебраниши ўлчамсиз катталикларда қуйидаги кўринишда бўлади

$$\frac{\partial^2 u}{\partial t^2} = \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} \left(1 - \int_0^t \Gamma(t-\tau) \frac{\partial^2 u}{\partial x^2} d\tau \right) - D_1 k_x(x)(u - u_0), \quad (8)$$

бу ерда $D_1 = \frac{2Rl^2}{E(R^2 - r^2)}$.

Қувурнинг реологик хоссаларини ўрта реологик параметрли A_b , β ва α , Колтунов-Ржаницин камсингуляр ядроси ёрдамида, ҳисобга олиб қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\Gamma(t) = \bar{A}_b e^{-\bar{\beta}t} t^{\alpha-1}, \quad 0 < \alpha < 1, \quad [\bar{\beta}] = c e k^{-1}, \quad [\bar{A}_b] = c e k^{-\alpha}; \quad (9)$$

бу ерда A_b – қовушқоқлик параметри, β – қовушқоқликнинг реологик параметри, α – наслий ядрони тажрибадан аниқланадиган сингулярлиги.

Интеграл остидаги (7) ифодага алмаштиришни қўллаб ҳосил бўлган дифференциал тенгламани иккинчи тартибда аниқликдаги марказий чекли айирмалар схемаси билан аппроксимацияланади ва $u_{k,j+1}$ ($k=i-1, i, i+1$) га нисбатан ечилди

$$u_{i,j+1} = \frac{\tau^2}{h^2} \left(1 - \frac{A_b}{\alpha} \sum_{k=1}^n B_k^b e^{-\beta t_k} \right) u_{i-1,j} + \left[2 - \tau^2 D k_i - \frac{2\tau^2}{h^2} \left(1 - \frac{A_b}{\alpha} \sum_{k=1}^n B_k^b e^{-\beta t_k} \right) \right] u_{i,j} + \frac{\tau^2}{h^2} \left(1 - \frac{A_b}{\alpha} \sum_{k=1}^n B_k^b e^{-\beta t_k} \right) u_{i+1,j} - u_{i,j-1} + D \tau^2 k_i u_{0i,j} \quad (10)$$


Чегаралари қотириб маҳкамланган ва бошланғич шартлари нолга тенг бўлган ҳолни кўриб чиқамиз.

Грунт билан ўзаро таъсирида бўйлама тебранишдаги ер ости полимер қувурини қуйидаги механик ва геометрик параметрларидан фойдаланилди: $E=5 \cdot 10^2$ МПа; $R=0.2$ м; $\rho=940$ кг/м³; $A=0.002$ м; $l=10$ м; $k_x=1,2$ кН/м³; $T=0,2$.


Қувурнинг ўқи бўйлаб таъсир этувчи сейсмик юкламаларда грунтнинг кўчишини гармоник функция кўринишида олинган $u_0(x,t) = a_0 \sin st$.

Ишлаб чиқилган алгоритм асосида масалани компьютер реализацияси бажарилди ва олинган натижалардан координата ва вақт бўйича кўчиш ва кучланишларни ўзгариш графиги қурилди.

Олинган натижалар таҳлили шуни кўрсатадики, қувур материалынинг эластик қовушқоқлигини ҳисобга олиш кучланиш қийматларини вақт бўйича камайишига олиб келади (9 – 10-расм).



9-расм. Қувурдаги кучланиш қийматларини турли кесимларда вақт бўйича ўзгариши:
1– $x=0$; 2– $x=L$



10-расм. Қувурнинг ўқи бўйлаб кучланиш қийматларини берилган вақтдаги ўзгариши:
1– $t=0.052$ с; 2– $t=0.146$ с

Атрофидаги грунт билан ўзаро таъсирдаги тўғри чизиqli ер ости полимер қувурининг горизонтал текисликда ихтиёрий йўналишдаги сейсмик таъсирлардаги ҳолатини кўриб чиқамиз.

Қувурнинг грунт билан ўзаро таъсир кучларини ҳисобга олувчи ер ости полимер қувурининг ҳаракат дифференциал тенгламалар системасини, мос бошланғич ва чегаравий билан биргаликда оламиз.

Олдинги масала сингари Ржаницын–Колтуновнинг камсингуляр учпараметрли ядросидан фойдаланамиз. Учпараметрли ядро Абел типдаги кучсиз хусусиятга эга, буни бартараф этиш учун юқорида кўрсатилган методикага мувофиқ интеграл остидаги тенгликни алмаштирамиз.

Ташқи кўчишлар векторларини киритиб умумий ўлчамсиз вектор кўринишидаги ҳаракат дифференциал тенгламалари, чегаравий ва бошланғич шартларни оламиз:

